Ушбу сонда:

2 *Меҳнат муҳофазаси* РАҲБАРДАН ТАЛАБ ЎЗГАЧА

3 ЎЗБЕКИСТОН САНАТОРИЙЛАРИ ЧОРЛАЙДИ

4 ШАХМАТ ҲАНГОМАЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 4 август, шанба № 120 (1134)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ





ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИ — ШАҲРИСАБЗДА

Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Оролбўйи минтақаси болалари Қашқадарёнинг тоғ бағрида жойлашган сўлим оромгоҳларида мириқиб ҳордиқ чиқармоқдалар.

Шаҳрисабздаги Абу Райхон Беруний оромгоҳида Қорақалпоғистон Республикасидан келган 120 нафар бола дам олмоқда. Улар учун барча қулайликлар яратилган. Ҳар куни 5 маҳал овқатлантирилмоқда. Мавжуд 9 та кемпинг, 2 та стол ва 2 та ёпиқ павильон, чўмилиш бассейни, спорт майдончалари, теннис корти, кутубхона, маънавият ва маърифат хонаси, кинозал дам олувчилар хизматида.

— Тўрт мавсумда 1400 нафар ўғил-қизни соғломлаштириб ота-оналари қучоғига жўнатамиз, - дейди биз билан суҳбатда оромгоҳ бошлиғи Лутфулла Каримов. — Оталиқ ташкилот — «Ўзбекбурғунефтгаз» акциядорлик компанияси болаларни дам олдириш учун 24 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратди. — Ҳар бир болага ўртача 830-850 сўм озиқ-овқат маҳсулотлари берилмоқда.

Биз Қўнғирот туманидан келган болалар гуруҳи раҳбари Галя Избосарова билан суҳбатлашганимизда, яратилган шароитдан мамнун эканлигини изҳор этди. Болалардан Эленора Мухторова, Гулом Бобониёзов, Лаззат Исбусинова, Жамила Бегимова, Асқар Хўжамуродов кабилар оромгоҳдаги ҳар бир кун мазмунли ўтаётганлигини таъкидладилар.

Бу ерда мамлакатимизнинг ҳамма бурчакларидан болалар келиб, ҳордиқ чиқариб кетишади. Бухоро шаҳридан Сухроб Рўзиев, Қоравулбозордан Жебек Курталиева, Жондор туманидан Азамат Остонов каби ўқувчи-ёшлар тоғлик масканда ёзги таътилни кўнгилли ўтказдилар.

Оромгоҳларнинг республика кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллаган бу баҳаво гўшада дам олаётган болаларнинг қалби қувончга тўла.

Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг мажлиси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т.Холтоев бошқарган ушбу мажлисда қишлоқ хўжалик корхоналарида ички шартномавий муносабатларни ташкил этиш борасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Шунингдек, фермер хўжаликларининг фаолияти мониторинги якунлари ҳам кўриб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликка муносабатнинг ҳозирги аҳволини қаттиқ танқид қилган эди. Айниқса, қишлоқ хўжалигида бу соҳани ривожлантириш имкониятлари чексиз экани таъкидланганди. Республика комиссияси мажлисида бу фикрлар яна бир бор тасдиқланиб, бажарилиши лозим бўлган тадбирлар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Хусусан, ширкат, фермер хўжаликлари, оила пудратини шакллантириш борасида муайян муваффақиятларга эришилгани таъкидланди. Бироқ ҳали бу борада қилиниши зарур бўлган ишлар жуда кўп. Жумладан, жойларда ишга панжа орасидан қараш ҳоллари барҳам топмаяпти. Ширкат хўжаликларида меҳнат қилаётган пайчиларни пай гувоҳномалари билан таъминлаш, чек тизимини тўғри жорий этиш, ички хўжалик шартномавий муносабатларини йўлга қўйиш каби масалаларда ҳали муаммолар кам эмас. Шунингдек, боғ ва токзорларни ижарага бериш имкони бўла туриб, айрим вилоятларда бу ишда силжиш кўринмаяпти. Қаровсиз қолган боғлар эса қуриш арафасида.

Жойларда бу борадаги аҳвол юзасидан Жиззах ва Наманган вилоятлари ҳокимларининг биринчи ўринбосалари, айрим туманлар ҳокимлари ҳамда ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Мажлисда «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси тизимидаги қишлоқ хўжалик корхоналарида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар аҳволи ҳам кўриб чиқилди. Бу корхоналарда мулк шаклини ўзгартириш жараёнида йўл қўйилаётган камчиликлар кўрсатиб ўтилди ва уларни қисқа муддатларда бартараф этиш борасида аниқ чоратадбирлар белгиланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари И.Жўрабеков, Т. Алимов ва Бош вазир ўринбосари Р.Азимов иштирок этди.

(ЎзА)

Энг намунали оромгоҳларда

ЁЗГИ ДАМ – ЙИЛ БЎЙИ ҲАМДАМ

Болалар ёзининг икки ойи ниҳоялаб, ҳордиқнинг учинчи навбати бошланди. Оромгоҳларда маданий, маърифий ва маънавий йўналишдаги ишлар қандай? Озиқ-овқат маҳсулотлари, зарур жиҳозлар, тиббиёт воситалари билан етарли даражада таъминланганми? Ушбу саволларга жавоб излаб Тошкент вилоятининг Оқтош ҳудудидаги бир қатор оромгоҳларда бўлдик.

«Ўзбеккабел» Давлат акциядорлик бирлашмасига қарашли «Зилола» болалар соғломлаштириш оромгоҳи учинчи навбатда 267 нафар болани ўз бағрига олди. Ушбу оромгоҳда мавсум давомида 1200 нафар ўғил-қизни соғломлаштириш кўзда тутилган бўлиб, улардан 390 нафари қорақалпоғистонлик ўқувчилардир. Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда бу ерда 120 нафар оролбўйилик болажонлар мириқиб дам олмоқдалар. Улар келган кунлариёқ тиббий кўрикдан ўтказилиб, зарур муолажалар тайинланди.

— «Зилола»ни мавсумга тайёрлаш-таъмирлаш ишлари учун корхона томонидан 17 миллион сўмлик маблағ сарфланди, - дейди оромгоҳ раҳбари Шоира Турсунова. — Тошкент шаҳар металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшма қўмитаси томонидан эса мавсум бошланишида 1 миллион 400 минг сўм ажратилди.

Қорақалпоғистондан келган болалар ва уларнинг тарбиячиларига етарли шароитлар яратилган. Мавжуд 10 та гуруҳда дам олаётган ўғил-қизлар «Моҳир қўллар», «Юмшоқ ўйинчоқлар», расм тўгаракларида шуғулланадилар. Тоққа саёҳатга чиқадилар. Саёҳат қатъий назорат остида ўтади. Яъни, ҳар бир боланинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўналиш бўйича боришкелиш вақти аниқ белгиланади. Оромгоҳ раҳбарига саёҳат йўналишининг чизмаси топширилади.

Шунингдек, болалар учун маънавият ва маърифат хонаси, кутубхона, тренажёрлар зали, аккардион муаллими, теннис майдони хизмат кўрсатмоқда. Спорт-соғломлаштириш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Хусусан, болалар ўртасида спорт мусобақалари ўтказиш анъанага айланган. Энг моҳирлар танлаб олиниб, оромгоҳлараро спартакиада мусобақаларида иштирок этадилар. Яқинда Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб «Зилола», «Нурафшон», «Автомобилчи», «Камалак» болалар оромгоҳлари ўртасида спартакиада ўтказилади.

Инсон саломатлигини мустаҳкамлашда гигиена ва тозаликнинг ўрни катта. Шуни назарда тутган ҳолда «Зилола»да ҳордиқ чиқараётган болалар ҳафтада икки марта ҳаммом қабул қиладилар. Сув ҳавзасида эса ҳар куни белгиланган вақтда чўмиладилар. Оромгоҳ корхона томонидан 300 минг сўмлик дори-дармон билан таъминланди. «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳам зарарсизлантириш воситалари ва биринчи тиббий ёрдам учун зарур дорилармонлар ажратган.

Айниқса, туғилган куни нишонланадиган ўғил-қизга алоҳида илтифот кўрсатилади.

— Оромгоҳ менга жуда ёқди, - дейди Тахтакўпир туманидан келган ўқувчи Наргиза Мадиёрова. — Бу ерда берилаётган овқатлар ҳам мазали, спорт билан шуғулланишга имконият етарли. Шахмат-шашка ўйнаш менинг севимли машғулотим.

(Давоми 2-бетда).

Диққат, янгилик!

БАЙРАМГА МУНОСИБ ТУҲФА

Жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 10 йиллигига тиббиёт соҳаси олимлари муносиб байрам туҳфаси тайёрладилар. Республика Эпедимиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти олимлари Кимё олийгоҳи ва Педиатрия илмий-текшириш институтидаги ҳамкасблари билан ҳамкорликда Бектит-М деб аталмиш янги дори яратдилар.

Серқуёш республикамиз минерал заҳираларидан тайёрланган биологик фаол ушбу дори дегария — ўткир юқумли ошқозон ичак касалликларига қарши тез таъсир этувчи шифобахш воситадир.

— Маълумки ўткир ошқозон-ичак касалликлари инсон ҳаёти учун ниҳоятда хавфли ҳисобланади, - дейди тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдувосит Валиев. — Халқимизни ана шу дарддан халос этиш ниятида зукко олимларимиз кимия фанлари доктори, профессор Даврон Долимов, доцент Меҳмон Аҳмедов ҳамкорлигида илмий иш олиб бордик. Саккиз йиллик заҳматли меҳнат, илмий изланишлар, қайта-қайта ўтказилган тажриба-синовлари ўз самарасини берди. Юқумли ошқозон ичак касаллигига қарши ишончли дори яратишга муваффақ бўлдик. Бу биз олимларнинг мустақиллигимизнинг 10 йиллигига совғамиздир.

Айни кунда «Бектит-М» дориси республикамизнинг барча дорихоналарида сотилмоқда. У ўзининг арзонлиги, тез ва сифатли самара бериши, ҳаммадан ҳам шифобахшлиги билан халқимиз эътиборини тортмоқда.

Олимларимиз айни кунларда ўзаро ҳамкорликда турли вирусларга қарши янги дори-дармонлар яратиш йўлида астойдил изланмоқдалар.

Амина ҚОДИРОВА.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида гапирилганди

НОҚОНУНИЙ ТЕКШИРУВ

оқибатида қайд этилган ҳужжатлар бекор қилиниб, жарималар эгаларига қайтарилди

Баъзан шундай савол туғилади: нима учун турли-туман текширувчилар катта корхоналарга бош суқавермайди? Жавоби тайин, у ердаги раҳбару мутахассисларнинг саводи етарли. Яъни, улар бундай текширувларнинг ноўрин ўтказилишига профессионал тарзда жавоб бера олади. Хатто шундай ҳам бўладики, малакали мутахассис текширувчининг ўзини ҳижолатга солиб қўяди. Бахтга қарши кичик бизнес соҳасида, аксарият хўжаликлар, ташкилотларда эса аҳвол бошқача. Ҳуқуқий саводхонлик етишмаслиги, қонунга суяна билмаслик оқибатида тадбиркорлар, ишчи-хизматчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари чекланмоқда-ки, бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг 17 июлдаги йиғилишида ҳам алоҳида таъкидланди. Қуйидагилар фикримизнинг далили бўла олади.

Бахмал туман Давлат техника назорати инспекцияси бошлиғи Акбар Абдураҳмонов ими-жимида иш қилишнинг устаси чиқиб қолди. Акс ҳолда мазкур инспекция томонидан ўтган йили 6 та, жорий йилнинг 5 ойида 2 марта ноқонуний текширишлар ўтказилармиди?

2000 йилнинг 23 мартида инспекция бошлиғи туман машина-трактор паркида текшириш ўтказиб, шу куни ўзининг ноқонуний қарори билан «Магнум» трактори оператори Файбулла Бекмуродовни Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 112-моддасига кўра 1750 сўмлик жарима билан «сийлади».

Чиллаки чилакини кўриб ранг олади, деганларидек, инспекциянинг I-тоифали мутахассиси Эргаш Жўраев ҳам вақтни бекорга ўтказмай, Бахмал «Агракимётаъминот» ҳиссадорлик жамиятида текшириш ўтказиб, тракторчи Сулхон Сатторовни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликда айблаб, баённома тузди ва 584 сўмлик жаримага рўбарў қилди.

Орадан тўрт кун ўтгач, инспекциянинг Омоновни, «Нушкент» ширкат хўжалиги бош муҳандиси Раҳматулла Холматовни, «Турон» ширкат хўжалиги бош муҳандиси Тўхтамурод Сулаймоновни ноқонуний жаримага тортибди. Лекин биронта мард унинг мушугини пишт демабди.

Бундан ўзларича ҳаволанган инспекция ходимлари ноқонуний текшириш ҳаракатларини жорий йилда ҳам давом эттиришди. Ана шундай текширишлар натижасида «Узунбулоқ» ширкат хўжалиги тракторчилари Эрназар Хўжаев, Абдуолим Отамуродовлар 817 сўмдан, туман МТП оператори Кўчим Холбўтаев 817, бўлим бошлиғи Юсуф Муродов 4900 сўмлик жаримага «мушарраф» бўлишди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 ноябрдаги 496-сонли қарори билан тасдиқланган хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишни ўтказиш тартибининг бандларидан бирида: «Мулкчилик шаклидан қатъий назар, хўжалик юритувчи ва тадбиркорлик тузилмаларининг молия-хўжалик фаолиятини қонунчилик нормалари билан белгиланган ҳуқуқларга мувофиқ амалга ошириладиган барча текширишлар фақат назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши билан келишилган ҳолда, ҳар йили у тасдиқлайдиган ҳудудлар бўйича текшириш ва тафтиш қилишнинг мувофиқлаштирувчи режалари асосида ўтказилади» деб белгиланган қоидани Бахмал туман техника назорати инспекцияси мутасаддилари нима учундир «унутиб», хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини «элак-элак» қилишни ўзларига одат қилиб олганлар.

Бундай ноқонуний текширишларга Жиззах вилоят адлия бошқармаси аралашувидан сўнг барҳам берилди.

Жиззах вилоят Давлат техника назорати инспекцияси бошлиғи А.Матқурбонов вилоят адлия бошқармаси томонидан киритилган тақдимнома ҳайъат йиғилишида кўриб чиқилиб, Бахмал туман техника назорати инспекциясининг юқорида номлари зикр этилган шахсларни жаримага тортиш ҳақидаги қарорлари бекор қилиниб, тўлатилган жарималар эгаларига тўлалигича қайтариб берилганлигини маълум қилди.

Бахмал туман давлат техника назорати инспекцияси бошлиғи А.Абдураҳмонов ва мутахассис Э.Жўраевга «ҳайфсан» эълон қилинди.

Вилоят адлия бошқармаси жабрланувчи фуқаролар С.Сатторов, Р.Холматов, Т.Сулаймоновларнинг аризаларига кўра улар манфаатларини кўзлаб, етказилган моддий ва маънавий зарарни Бахмал туман техника назорати инспекцияси маъмурларидан ундириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига даъво аризаси киритди.

Абдурашид АБДУРАИМОВ, Жиззах вилоят Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи. Абдуманноп АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

Тўрткўл туманида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ҳамда прокуратураси ҳамкорликда уюштирган тадбирга шаҳар ва қишлоқлардаги вақтинча ишламаётган фуқаролар, олий ва ўрта-махсус билим юртларини тугатган ёшлар таклиф этилди. Ярмаркада тумандаги барча корхона ва ташкилот раҳбарлари иштирок этди.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Йил бошида туман меҳнат бўлимига 3 минг 21 киши иш сўраб мурожаат қилган эди. Уларнинг 1 минг 724 нафари ишга жойлаштирилди. «Шўрахон» ширкат хўжалигида 30 нафар қиз тикувчиликка, Эломонов номидаги хўжаликда 30 йигит механизаторликка қайта тайёрланди. 273 киши жамоат ишига жалб этилди. Корхона ва ташкилотлар билан биргаликда 1 минг 246 та янги иш ўрни ташкил этишга эришилди.

Россиялик енгил саноатчилар билан ҳамкорликда ташкил этилаётган тўқимачилик корхонаси иш бошлаши билан яна минг иш ўрни пайдо бўлади.

Меҳнат ярмаркасида қатнашган 2 минг кишининг 200 нафари ўша куни ишга жойлаштирилди, 100 нафар йигит-қиз касбга қайта тайёрлаш мақсадида ўқишга жалб этилди.

(ЎзА).

Ислоҳот мевалари

Жондор туман акциядорлик тижорат «Тадбиркор» банк бўлими жамоаси 700 нафарга яқин тадбиркор, ўнлаб корхона ва меҳнат жамоаларига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Кейинги йилларда банкда ўз ҳисоб рақамини очган мижозлар сони 4-5 баравар ортиб кетди.

«ТАДБИРКОР» — ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

— Замон талаблари даражасида хизмат кўрсатиш кўлами ва маданиятини ошириш туфайли сезиларли ютуқларга эришаяпмиз. Бу, асосан, тўлов тизимини такомиллаштириш, пул маблағларининг айланиш тезлигини ошириш жараёнларида ўз аксини топаётир, - дейди бўлим бошқарувчиси Очил Шарипов.

Шу ўринда айрим рақамларни тилга олиб ўтиш ўринлидир. Жамоа ўтган йилни 8752,0 минг сўм фойда олиш билан якунлаган бўлса, жорий йилнинг 1-чорагидаёқ жами даромад салмоғи 8664,4 минг сўмдан ошиб кетди. Рентабеллик даражаси ҳам ортиб бораётир.

Банк маъмурияти фақат жисмоний ва юридик шахсларга вакиллик ҳисоб рақамларини очиш, юритиш, мижозларга қимматбаҳо қоғозлар бўйича хизматлар кўрсатиш билан чекланиб қолаётгани йўқ. Балки у хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор бераётир. Ҳатто аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш масаласи ҳам диққат марказида турибди. Тадбиркорлар имтиёзли кредит ажратиш йўли билан қўллаб-қувватланаётганлиги яхши самара бермоқда.

Йилнинг биринчи чорагида кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлашга 16680,5 минг сўмлик маблағ йўналтирилди. Натижада 30 га яқин янги иш ўринлари ташкил қилинди. Кредит маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги учун техника воситалари, қайта ишлаш механизмлари сотиб олинди. Ички бозор четдан келтирилган халқ истеъмоли моллари билан тўлиб борди. Аҳолига 8 турдаги маҳсулотларни мунтазам етказиб бериш ҳамда намунали савдо хизмати кўрсатилишида ҳам банк томонидан ажратилаётган қисқа муддатли кредит ажратмалари жуда қўл келаётир.

Айни пайтда кредит қўйилмаларининг 72,4 фоизини қисқа муддатли кредитлар ташкил этади. Қолган қисми ўрта муддатлидир. Банкнинг ўз маблағлари ҳисобидаги кредит ажратмалари бюджетдан ташқари фондларга деярли тенглашиб қолди. Ушбу ҳолат ҳам банк имкониятлари кенгайиб бораётганлигини тасдиқлайди.

Жамоа фермер ва деҳқон хўжаликларининг ҳам таянган ҳамкорига айланмоқда. Ўтган даврда бўлим томонидан берилган кредитларнинг деярли 55-60 фоизи айни шу соҳа кишилари учун ажратилди. Айни пайтда молиялаштирилган ўндан ортиқ лойиҳа учун турли-туман кредит йўналишларидан маблағлар келиб тушаётир.

Банк мададига таяниб қулай ва унумли техника воситалари, эҳтиёт қисмлар, чорва моллари сотиб олишга эришган «Юртим Ўзбекистон», «Файратали», «Рўзи», Ф.Аллаев номли фермер хўжаликлари иқтисодий жиҳатдан тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳозирга қадар деҳқон, фермер хўжаликларини ривожлантиришни кўзлаб 14 та лойиҳага 18984,0 минг сўм маблағ ажратилган бўлса, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича 3 та лойиҳага 3100,0 минг сўм йўналтирилди. Қарзга берилган маблағларнинг бир қисми банкка қайтарила бошланди.

— Қайтариш муддати 3 йилдан 10 йилгача бўлган имтиёзли кредитлар ажратилаётганлиги биз, фермер жамоалари учун жуда қўл келаяпти, - дейди тумандаги машҳур фермер Ғофир ака Шукуров.

Ҳокимлик, тадбиркорлар палатаси, меҳнат бўлимидаги мутасадди ўртоқлар билан фойдали мулоқотлар, тадбиркорларнинг умум ишни яхшилашга қаратилган холис фикр-мулоҳазалари банк фаолиятини ҳар томонлама яхшилашга хизмат қилаётир. Шунингдек, «Ўзтадбиркорбанк» ҳамда вилоят «Тадбиркор» бошқармаси томонидан бошқарув механизмини анча ихчамлаштиришга қаратилган изчил йўл ҳам янги ютуқлар сари етакловчи омил вазифасини ўтаётир.

Кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш учун қайғураётган банк жамоасидан эл миннатдор бўлмоқда. Бундан-да ортиқ мукофот бўлмаса керак.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

АҲОЛИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

бунда деҳқон ва фермер хўжаликлари муҳим рол ўйнади

Бандлик масаласи бугунги кунда касаба уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин тутмоқда. Зеро, меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ҳужжати бўлмиш ҳудудий келишув ва жамоа шартномаларида ҳам бунга алоҳида эътибор берилган бўлиб, унинг бажарилиши махсус комиссия томонидан вақтивақти билан кўриб борилаётир. Бинобарин, биз меҳнаткашларни иш билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини ташкил этишда вилоят ҳокимлигининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари билан амалий ҳамкорликни кучайтирмоқдамиз. «Бандлик» дастурини ишлаб чиқиш ва бажарилишида ҳудудий келишув талаблари ва тармоқ касаба уюшма ташкилотларининг таклифлари эътиборга олинган.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни иш билан таъминлашга эришиш касаба уюшмалари фаолиятининг бош йўналишларидандир. Бу борада маҳаллий ҳокимликлар, бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Айниқса, ходимларни қисқартиришда ва ишга жойлаштиришда ижтимоий адолат ҳамда қишлоқ хўжалигидаги ортиқча кучларни бошқа соҳага кўчириш, ширкатга ўтаётган хўжаликлардан бўшаган фуқароларни ишга жойлаштириш, деҳқон-фермер хўжаликларини ташкил этиш масалаларига дастурдан кенг ўрин берилган.

Чунончи, вилоятда истиқомат қилувчи меҳнатга лаёқатли аҳолининг 80 фоизга яқини расман иш билан банд. Ҳудудий келишув ва «Бандлик» дастурига асосан ўтган йили янгидан 34172 та иш ўрни яратиш кўзда тутилганди. Амалда эса 41790 та иш ўрни очишга муваффақ бўлинди. Улардан 34913 таси қишлоқ жойларида. Амалдаги йилнинг дастлабки 5 ойида эса режадагидан 402 та кўп иш ўрни яратишга эришилди.

Аҳолини иш билан таъминлашда деҳқон ва фермер хўжаликлари муҳим ўрин тутмоқда. Ўтган йили ташкил этилган деҳқон хўжаликларида 14708 нафар киши иш билан таъминланган бўлса, амалдаги йилнинг беш ойида бу кўрсаткич 1995 нафар кишини ташкил этди. Шу билан бир қаторда якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи 16 минг нафардан зиёд киши янги иш ўринларига эга бўлди. Йил давомида меҳнат бўлимларига мурожаат қилган 51802 нафар фуқаронинг 35847 нафари ишга жойлаштирилди. 1888 киши қайтадан янги касбга ўқитилди. Жорий йилнинг 5 ойида 22729 нафар фуқаро меҳнат бўлимларига мурожаат қилган бўлса, уларнинг 17286 нафари ишга жойлаштирилди. 773 нафари қайта касбга ўқитилди.

Шунингдек, Наманган вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг «Наманган туманида меҳнат бозорини ва бандликни шакллантиришда касаба уюшма ташкилотларининг меҳнат бўлими билан биргаликдаги фаолияти тўғрисида»ги қарорида кўрсатилган камчиликлар қадамба-қадам бартараф этилмоқда. Чунончи, санацияга тушган Р.Турсунов номли жамоа хўжалигида қисқартирилган 267 ходим меҳнат бўлими билан ҳамкорликда вақтинчалик ва мавсумий ишларга тортилди.

Булардан ташқари, Наманган туман тармоқ касаба уюшма қўмитаси меҳнат бўлими билан биргаликда Тошбулоқ шаҳарчасида «Меҳнат ярмаркаси» ўтказди. Унда «Файрат», «Хонобод», «Зарбдор» ширкат хўжаликлари, К.Солиев номли ва «Навбаҳор» корпорациялари ҳамда «Тола» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари ўзларидаги мавжуд бўш ишчи ўринлари билан иштирок этдилар. Ярмарканинг биринчи кунидаёқ 30 нафар ишсиз ишга жойланди, шундан 17 нафари хотин-қизлардир. Шунингдек, ушбу тумандаги «Навбаҳор» ҳиссадорлик жамиятида 25, Косонсой туманида 20 киши тракторчиликка қайта ўқитилди.

Биз бундан буён ҳам иш ўринлари яратишнинг янги усул ва шаклларини излаб топишда барча имкониятларни ишга соламиз.

Ф.ПАЁЗОВ,
Наманган вилоят Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

Эътиборлиси шуки, тадбиркорлар, саховатпеша кишилар ҳам савобли ишдан четда қолишаётгани йўқ. Улар томонидан 200 минг сўмлик зарур жиҳозлар хайрия сифатида келтирилди.

Суратларда: ногиронларни реабилитация қилиш Маркази ҳаётидан лавҳалар.

Ҳакимжон СОЛИҲОВ олган суратлар.

(Боши 1-бетда).

Айниқса, сув ҳавзасида чўмилиш иссиқ кунда роҳат бағишлайди. Бизнинг мана шундай дам олиб, саломатлигимизни тиклашимиз борасида ғамхўрлик қилаётган Юртбошимизга миннатдорчилик билдирамиз.

— Бу ерда жуда кўп дўстлар орттирдим, — дейди Шуманай туманидаги 16-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Бекбўлат Қилувмуротов. — Улар билан футбол, стол тенниси ўйнаймиз. Доимо хат ёзишиб туришга келишиб олдик.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, масканнинг маданий-маърифий фаолиятини янада яхшилаш мақсадида Тошкент шаҳар тармоқ қўмитаси жорий йилда 25 минг сўмлик, корхона маъмурияти эса 50 минг сўмлик бадиий адабиётлар ҳадя қилди.

Болаларнинг ҳар бир кунни мазмунли ўтказишлари учун «Зилола» маликаси», «Зилола» шаҳзодаси», «Қувноқ стартлар» каби танловлар, «Соғлом авлод спорт ўйинлари», «Тоза ҳаво — танга даво» спорт мусобақалари, «Ўзбекистон кунлари», «Қорақалпоғистон куни», «Етакчилар концерти», «Маънавият ҳақида суҳбатлар» каби маданий-маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, «Ўзбекнаво» санъаткорлари, Тошкент вилоятида хизмат қилаётган аскарлар билан бўлаётган учрашувлар болажонларда унутилмас таассуротлар қолдириб, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ёрдам бермоқда.

«Оникс» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг «Нурафшон» оромгоҳи эса санаторий типидадир. Ҳозир бу ерда 240 нафар бола дам олмоқда. Улардан 100 нафарга яқини Қорақалпоғистондан келишган. Жорий йилда бу ерда катта ижобий ўзгаришлар юз берди. Уни мавсумга тайёрлаш-таъмирлаш ишлари учун хўжалик томонидан 10 миллион сўмлик маблағ сарфланди. «Совпластитал» корхонасидан 200 та стол-стул, шунча идиш-товоқлар тўплами олинди. Тармоқ шаҳар қўмитаси томонидан эса ижтимоий суғурта маблағларидан 2 миллион 450 минг сўм ажратилди. Бундан ташқари, 400 минг сўмлик телевизор, видеомагнитофон, 40 минг сўмлик бадиий адабиётлар ҳадя қилинди.

«Нурафшон»да физиотерапия, УВЧ, ингаляция, стоматологик ускуналар, фитобар болалар хизматида. Уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашда гиёҳлардан тайёрланган дамламалар яхши ёрдам бермоқда.

— Оролбўйидан келган аксарият болаларда бўқоқ ва камқонлик касалликлари аниқланди, - дейди оромгоҳ раҳбари Нигмат Мирабдуллаев. — Муолажалар туфайли уларнинг кўпчилиги бу дардлардан халос бўлдилар. Бунда оромгоҳимиз шифокори Умиджон Насриддиновнинг хизматлари катта.

Масканда 6 маҳал овқат берилади. Улар орасида шарбатлар, сарҳил мевалар, сут ва сут маҳсулотлари алоҳида ўрин тутади.

Энг намунали оромгоҳларда

ЁЗГИ ДАМ — ЙИЛ БЎЙИ ҲАМДАМ

Тўгаракларда ўғил-қизлар улар касб-ҳунар ўрганиб, экибаналар, юмшоқ ўйинчоқлар ясайдилар. Қўғирчоқ театрида эса болалар қўли билан ясалган ўйинчоқлар ўйнатилади. «Моҳир қўллар» тўгарагида ясалган бундай ўйинчоқлар хайрлашув кечасида уларнинг ўзларига совға қилинади.

Оромгоҳнинг «Маънавият ва маърифат» хонасидан мамлакатимиз ҳаётига оид адабиётлар, Президентимиз асарлари, давлатимиз рамзлари ўрин олган.

— Биз Беруний, Элликқалъа туманларидан болажонларни олиб келдик, — дейди Нукус шаҳридаги 17-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси, тарбиячи Гулнора Ўрозбоева. — Бу ернинг, айниқса, ям-яшил манзарасию тоғ ҳавоси бизга манзур бўлди. Зерикишга ўрин йўқ. Дам олиб, даволаниш учун барча шароитлар мавжуд. Оромгоҳ спартакиадасида болаларимиз югуриш ва шахмат бўйича биринчи, футбол бўйича мусобақа ҳамда экибана тайёрлашда иккинчи ўринга эришдилар.

«Технолог» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли «Камалак» болалар соғломлаштириш оромгоҳига келганимизда кичкинтойларни спорт майдончаларида учратдик. Оромгоҳ учинчи навбатда 530 нафар болани ўз қучоғига олди. Санаторий типидаги ушбу масканнинг ҳам ўзига хос ёпиқ сув ҳавзаси, компьютер хонаси, 10 минглик китоб жамғармасига эга бўлган кутубхонаси, театри мавжуд. Болажонларнинг ўзлари турли эртакларни саҳналаштириб, спектакллар қўядилар. Оромгоҳ раҳбари Александр Ни болаларнинг китобга қизиқишлари ортиб, адабиётлар мутолаасига кўпроқ вақт ажратаётганларидан мамнун эканлигини билдирди.

Болаларни соғломлаштириш учун турли муолажа хоналари фаолият кўрсатмоқда. Ўғил-қизлар ҳар бир навбатда бир марта Оқтош ёнбағирларига саёҳатга чиқадилар. Гўзал ва хушманзара табиат қўйнида мусафо тоғ ҳавосидан нафас оладилар.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

КАРВОНБОШИГА «ТИКО»

Сурхонлик миришкор деҳқонларнинг бу йил бахти кулиб, омади чопди. Пилла, ғалла, мева, полиз маҳсулотлари режаси ошиғи билан бажарилди. Ёзнинг иссиқ келиши, қолаверса, плёнка остидаги пахта қийғос бўлиб очилди. Айниқса, Термиз туманининг «Халқобод», «Намуна» Жарқўрғондаги «Шарқ юлдузи», Деновнинг С.Раҳимов номли, «Ҳазорбоғ» ширкат хўжаликларида етиштирилган ҳосилнинг чўғи баланд.

Шунингдек, Қумқўрғон туманидаги С.Бойматов номли ширкат хўжалигида ҳам пахтани тез ва соз йиғиштириб олиш учун маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда тадбир ишлаб чиқди. Унга асосан йиғим-теримда қатнашаётганларга даланинг бошида бепул иссиқ овқат ташкил этиш кўзда тутилган ва бу вазифа ҳар бир участка, ширкат раисларига ҳамда хўжалик раҳбарлари зиммасига юклатилди. Мавсумнинг ҳар беш кунида теримчиларга нақд пул тўлаб борилади. Энг кўп ҳосил топширган пудратчилар ва участка ширкатлари аъзоларига ҳам нақд 70 минг сўм миқдорида мукофот таъсис этилди. Энг илғор теримчига 5 кунлик энг юқори кўрсаткичи учун 30 минг сўм мукофот бериладиган бўлди.

Айни вақтда теримчиларга этаклар тарқатилди. С.Бойматов номли ширкат хўжалиги раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитасининг ишлаб чиққан тадбирига мувофиқ, биринчи бўлиб зафар маррасини эгаллаган участка ширкатига «Тико» енгил автомобили, хўжаликда биринчи бўлиб зафар маррасини эгаллаган бригадага эса «ДЭУ» русумли телевизор хўжалик ҳисобидан мукофотга берилади.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

Фарғона вилоят ногиронларни реабилитация қилиш Маркази 2000 йил «Наврўз» байрами арафасида очилган. Бу ерда малакали шифокорлар фаолият юритадилар. Тиббий хизматни тобора яхшилашда ҳомий ташкилотларнинг ҳам роли бор. Хусусан, «Қувасой чинниси» акционерлик жамияти, Қува консерва заводи ва бошқалар Марказга ўзларининг беминнат ёрдамларини кўрсатиб келишмоқда.

Меҳнат муҳофазаси

Меҳнат муҳофазаси борасида ва ишлаб чиқаришда қулай шароитлар яратиб бериш ҳар бир раҳбарнинг муҳим вазифасидир.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган 3326 корхона ва ташкилотнинг аксариятида фуқаролар меҳнатини муҳофаза қилиш, улар учун хавфсиз ва қулай иш шароитларини яратиб бериш, ишлаб чиқаришда шикастланишларнинг олдини олишда бирмунча ишлар амалга оширилмоқда.

РАҲБАРДАН ТАЛАБ ЎЗГАЧА

Жорий йилнинг ўтган даврда меҳнатни ташкил этиш ва унинг муҳофазаси бўйича корхона, ташкилотларда текшириш ўтказилганда 1633 жойда меъёр ва қоидалар бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланди. 13 та цех ва участка, 23 жойда асбоб-ускуна, машина ва механизмлар иши тўхтатилди. 7 та корхона ва таркибий бўлинма раҳбарларига жарима солинди.

Шунга қарамасдан, бу соҳада ҳозирча сезиларли ўзгаришлар рўй бермаяпти. Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар камайиш ўрнига қаерда-дир унинг акси кузатилмоқда.

Биргина ўтган йилнинг ўзида ишлаб чиқариш билан боғлиқ 53 та бахтсиз ҳодиса содир бўлди. Шунинг 20 таси ўлим билан тугади. Жорий йилнинг ўтган даврида 7 та ўлим билан тугаган ҳодиса содир этилганлиги бизни ўйга толдирди.

Шу сабабли вилоятда 1683 ишчи кучи йўқотилди. Касаллик варақалари бўйича 1150000 сўмликдан ортиқ нафақа пули тўланди.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Қашқадарё электр тармоқлари корхонаси монтёри Дилшод Омоновни эҳтиётсизлик оқибатида шу йилнинг 17 январида ток уради. У шу жойнинг ўзида вафот этди. Бу — корхона раҳбари Н.Раҳмонов ва бошқа мутасаддиларнинг меҳнат муҳофазаси масаласига етарли эътибор бермаганликларини яққол кўрсатиб турибди.

Чироқчи туманидаги «Зарбдор» жамоа хўжалиги механизатори Орол Бозоровнинг жорий йил 17 июн куни трактор остида қолиб, эҳтиёт чоралари кўрилмаганлиги унинг умрига зомин бўлди. Шу тумандаги «Бешчашма» кооператив хўжалиги комбайнчиси Зокир Донаев иш жараёнида электр токи уриши натижасида оламдан кўз юмди.

Қарши шаҳар махсус автокорхона ҳайдовчиси Дилмурод Норбоев автомашинани таъмирлаш вақтида, домкрат сирпаниб кетиб унинг тагида қолади. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Сирасини айтганда, кўпчилик раҳбарлар меҳнат қонунлари талабларини яхши билмасликлари, меҳнат муҳофазаси устидан назорат сустлиги оқибатида инсон ҳаёти билан боғлиқ фавқулодда ҳодисалар рўй бермоқда.

Айрим корхона ва ташкилотларда ишни хавфхатарсиз ташкил қилиш учун қулай шароит яратиб берилмаган. Вилоят корхона ва ташкилотлари, хўжалик ва жамиятларида 5694 та кийим ечиш жойи, 1139 та душ, 102 та хотин-қизлар учун гигиена хоналари етишмайди. Айримларида эса ишчи-хизматчиларга сут, қатиқ маҳсулотлари, махсус кийим-кечаклар билан таъминлаш муаммоси ўз ечимини топмаётир.

Ходимларнинг меҳнат қонунлари ва жамоа келишувларида мустаҳкамланган ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар учун қулай иш шароитлари яратиб бериш ҳар бир раҳбарнинг бурчи бўлмоғи даркор. Бу соҳада касаба уюшмалари ҳам қатъий назорат ўрнатган ҳолда масъулият ҳиссини янада оширишлари талаб этилади. Шундагина мазкур соҳада ижобий томонга ўзгаришлар қилинишига эришиш мумкин.

Р.КЕНЖАЕВ,
Қашқадарё вилоят касаба уюшмалари Кенгаши меҳнат бош техник назоратчиси.

АРИҚЛАР СУВГА ТЎЛДИ

Навоий шаҳри Зарафшон дарёсининг яқинида жойлашган бўлса ҳам, шаҳар аҳолиси оқар сувни деярли кўрмасди. Ниҳоят янги қурилган канал туфайли кўчалар четидаги ариқлардан сув оқа бошлади. Айни пайтда шаҳарнинг Кармана тумани чегарасидан ўтаётган «Қасаба-Дўрмон» канали ҳам жадал суръатларда қурилмоқда.

- Янгидан қурилаётган 10 километрли канал, - дейди «Вилоят сув қурилиши» ҳиссадорлик уюшмаси раиси Саъдулла Исматов, - Навоий шаҳри, Кармана ва Навоий туманларидаги экинзорларни сув билан таъминлайди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН САНАТОРИЙЛАРИ ЧОРЛАЙДИ

«ТУРОН» Кўп тармоқли санаторийси. Юрак-қон-томир, асаб системаси, гинекологик касалликларни даволашга ихтисослашган.

«ЧИНОБОД». Овқат ҳазм қилиш аъзолари ва гинекологик касалликлари, қандли диабет. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан юқори бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

«БОТАНИКА». Овқат ҳазм қилиш аъзолари ва асаб системаси касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.



«БЎСТОН». Юрак-қон-томир, асаб, урологик касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

«СЎҚОҚ» оилавий пансионати.

«УМИД ГУЛШАНИ». Гинекологик касалликлари ҳамда бепуштлик билан оғриган кишилар даволанади.

«МАРҲАМАТ». Юрак-қон-томир, асаб системаси ва сурункали тери касалликлари.

«НИҲОЛ». Овқат ҳазм қилиш органлари, суяк-мушак тизими, асаб системаси учун ғоят фойдали.

«ОҚТОШ». Нафас органларининг туберкулёзга алоқадор бўлмаган касалликларига тавсия этилади.

«СИТОРАИ МОҲИ-ХОСА». Буйрак касалликлари (ёз фаслида). Овқат ҳазм қилиш асаб ва таянч ҳаракати системаси учун ғоятда фойдали.

«МИРОҚИ». Асаб системаси ва юрак, қон айланиши аъзолари касалликларига мўлжалланган.

«ЧИМЁН». Юрак-қон-томир, таянч-ҳаракат органлари, асаб системаси, гинекологик ва урология касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

«ЧОРТОҚ». Таянч ҳаракати системаси, овқат ҳазм қилиш органлари, асаб системаси, тери ва гинекологик касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

«АБУ АЛИ ИБН СИНО» номли санаторий. Юрак-қон-томир таянч-ҳаракат органлари, катталар ва болалар асаб системаси касалликлари.

«ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ». Юрак-қон-томир, таянч-ҳаракат, овқат ҳазм қилиш аъзолари, асаб системаси, гинекологик ва андрологик касалликлари.

«КОСОНСОЙ». Суяк-мушак, асаб системаси ва юрак-қон-томир касалликлари, овқат ҳазм қилиш органлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

«ГУЛПАРШИН». Юрак-қон-томир, таянч-ҳаракат, овқат ҳазм қилиш аъзолари, асаб системаси, гинекологик касалликлари жуда яхши даволанади.



Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси.

КЎҢИНИҢ НИЯТИ

Ярим ҳазил, ярим чин

Бир ҳажвий ҳикоя ўқиган эдим,
Қилишганди ҳатто тирик намойиш.
Туфлисига олган боғичга «эриб»,
Роса эшитганди хотиндан койиш.

Сабабки, зиёфат ошиб ҳаддидан,
«Юз-юз»нинг охири кўринмай, эсиз,
Чўнтак қуригунча улфатлар билан,
Уйига қайтганди, шўрлик, туфлисиз.

Боғични баҳона қилиб, хайрият,
Улфат тўпловчилар ҳозир жуда кам.
Бироқ оғзи катта, бойваччасифат
«Қўл учи»лар бордир кибрига қарам.

Мен ундан камманми, мен бундан камми,
У қилган тўйга ё етмасми қурбим?
(Етмаслигин ўзи яхши билади),
Сўнг чалиб ўтирар чапак:
«Қуридим...».

Дабдаба тўйларга суягимиз йўқ,
Гувоҳликка ўтар етти маҳалла.
Юрак қизиб турганида ёниб чўғ,
«Куёв чақириғи» бахона «чаллар».

Тегманг қирқ йилгача қиз чиқарганга -
Мақол бор. Аммо бу шунчаки бир гап.
Хемири йўқлиги тўсиқмас унга,
Яна тўй қилишга тайёр ҳафталаб!

Бу сафар бошқа бир мақол асқотар:
«Хотин ёнга қолар, узилади қарз».
Пул йиғиш, пул сарфлаш бобида агар,
Баҳс кетса, олади домласи ҳам дарс!

Ўйга чўмдиради баъзида савол:
Шундай тўй-тантана мажбурий, шартми?
Йўқни бор кўрсатган марду безавол,
Дабдабадан ўзни тийган номардми?!

Шундоқ ҳам ўзбекнинг тантилиги-ю
Бағри кенглигини билади олам.
Уй тўри меҳмонга тўшалган парқу,
Ўзига тўр каби остонаси ҳам.

Бас, етар, олайлик ўзни биз қўлга,
Кўрпамизга қараб узайлик оёқ,
Пулни совургунча боқмай ўнг-сўлга,
Пулдан уй қурсамиз эди яхшироқ.

Ҳайрат уйғотамиз шусиз ҳам ҳали,
Довруғимиз тутар курраи замин.
Оддий ишимиздан ибрат олгали
Дунё кўчиб келар... Аминман, амин!

Тўй бўлар энг оддий кунларимиз ҳам,
Машшоқлар созини ҳали кўп чалар.
Дарё оқаверар ўз ўзанидан,
Яхши инсонлардан яхши ном қолар.

Муҳаммад ЗАЙНИДДИН.

Саломатлигингиз ўз қўлингизда

Ёзда саховатли қуёш нуридан тўғри фойдалана олиш лозим. Акс ҳолда киши соғлиғига салбий таъсир ўтиши натижасида турли касалликлар келиб чиқиши мумкин. Ҳозирги замон тиббиёти баъзи кишиларга метеорологик омиллар кучли таъсир этишини таъкидлайди. Чунки иссиқ кунларда қон босими пасайиши ёки ошиши, бош оғриғи, бош айланиши, қувватсизлик, дармонсизлик, юрак-қон томир касалликларининг келиб чиқиши кўпаяди. Мутахассисларнинг кузатишича, ёз ҳарорати ошқозон ширасини камайтириб, унда таомларнинг яхши ҳазм бўлмаслигига олиб келади. Ҳазм бўлмаган таом ичакларга сингмайди. Натижада иштаҳасизлик, қоринда оғриқлар, жигилдон қайнаши, кекириш юзага келади.

ШУ ИССИҚ КУНЛАРДА

Иссиқ ҳароратнинг киши организмига салбий таъсирини камайтириш учун аввало устки кийим кенгроқ, енгил, юпқа ҳамда оқ рангда бўлиши лозим. Оқар сувларда чўмилиш, тез-тез душ қабул қилиш ҳам жуда фойдалидир. Иссиқ кунларда сифатли, тартиб билан ўз вақтида овқатланиш организмда модда алмашинувининг меъёрда кетишига ёрдам беради. Одам организми ва уни ташкил этувчи тўқима ҳужайралар, оқсиллар, ёғлар, углеводлар, минерал туз ҳамда витаминлар ва бошқа хил мураккаб органик моддалардан иборат бўлиб, иссиқ иқлим шароитида организмда бу моддаларнинг сарфланадиган миқдори ҳам йилнинг бошқа иқлимидагига нисбатан ортиқроқ бўлиши аниқланган.

Ёз жазирамасида чўмилиб офтобда қорайиш кишига ором бахш этади. Аммо қуёшда ҳаддан ташқари кўп бўлиш ҳам зарарлидир. Қуёшнинг ўткир нури баданни қиздириб, терини куйдириши, бунинг натижасида эса иссиқ элитиши ва офтоб уриши мумкин. Шунингдек, офтобда ишлаш, иссиқ кунларда узоқ муддат давомида ҳаво ўтказмайдиган кийимда юриш, иссиқ цехларда махсус ҳимоя воситаларисиз ишлаш иссиқ уришига олиб келади.

(Давоми бор).



Бола бошидан...

МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника илмий ишлаб чиқариш маркази олимлари германиялик ва буюк британиялик мутахассислар билан биргаликда пиёздошлар туркумига мансуб ўсимликларнинг дунё бўйича тарқалган табиий тизимини яратиш борасидаги илмий ҳамкорликни давом эттирмоқда. Бу борадаги беш йиллик изланишлар натижаси ўлароқ Буюк Британияда «Аллиум туркуми» деб номланган монография чоп этилди.

Маълум бўлишича, заминимизда пиёздошлар туркумига мансуб 600 турдан кўпроқ ўсимлик бўлиб, шундан 250 дан зиёди Ўрта Осиё ҳудудида ўсар экан. Инглиз тилида нашр этилган мазкур китобда шу хил ўсимликларнинг ўтмишдошлари ва бугунги турлари батафсил таҳлил этилган ва мукаммал тартиб берилган.

Баҳор ХИДИРОВА.

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ҒОЛИБЛАР ЯКУНЛОВЧИ БОСҚИЧДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги олдидан Қашқадарёнинг Шаҳрисабз шаҳрида кўпкураш бўйича вилоят биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

Мусобақа иштирокчилари йўл ҳаракати қоидалари, югуриш, турникда тортилиш каби спорт турлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Кўпкураш мусобақасида мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамиятига қарашли Қарши автомобил мактаби талабалари ғолибликни қўлга киритдилар. Автомобилчилардан Икром Амирқулов, Шермат Исмоилов, Лазиз Жўраев кабилар энг кўп очко тўплаб, эпчил спортчилар эканликларини амалда кўрсатдилар.

Ғолиблар август ойида Шаҳрисабзда бўлиб ўтадиган республика биринчилиги мусобақаларида қатнашадилар.

ЁЛҚИН.



ЭРТА ТУРИШ ХОСИЯТИ

Қатъий кундалик режа асосида ишлаганга нима етсин! Ўз вақтини режа бўйича сарфлаган донгдор кишилар турмуш тарзи буни кўрсатиб турибди.

Масалан, машҳур адиб Виктор Гюго учун бу ҳол умр мазмунига айланган. Аллома Леонардо да Винчи ҳам ўсмирлигидан то умрининг охиригача шунга риоя қилган.

Адиб Эмиль Золя иш столида: «Бирор кунни бир сатрсиз ҳам ўтказмаслик зарур» — деган шиор турган. Инглиз бастакори Салливен айтади: «Мен бир кун енгил ишлайман, иккинчи куни иш оғир кечади. Агар мен илҳом келишини кутиб ўтирганимда, бирор асарни яратолмаган бўлур эдим. Илҳом оғир ва изчиллик билан ишлашдан сўнг келади». Машҳур композитор Бетховен суҳбати содикда ижод этган. Таниқли файласуф Кант — бешда, кўзга кўринган адиб Вальтер Скотт — олтида туриб ишга киришган. «Мен эрталаб барвақт туриб ишлашга ўргандим. Шунда ҳамма (ижод) қаймоғини йиғиб оламан, қолгани кундузга татийди», — дейди немис адиби Гёте.

Ёзувчи Вальтернинг шиори: «Ҳар доим иш билан банд бўлиш» эди.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

БОШҚОТИРМА

Азиз муштарий! Қуйида таърифлари баён этилган сўзлар шаклга «занжир» ва кесишган ҳолда жойлашади.

1.Таваллудига 75 йил тўлган адиба ва шоира Саида Зуннунова достони. 2.Шароф Бошбековнинг «Темир хотин» асари қаҳрамони. 3.Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида ўз фаолияти билан танилган ўзбек аёли. 4.Театр саҳнамиз санъатининг илк раққосаси. 5.Ўзбек мумтоз ғазалнавис шоираси. 6.Чистон:

Бир ажаб санъатки, боқдим ҳайрона,
Парилар саф тортиб турар ҳар ёна.
Боғидан гул терай деб қўл узатсам,
Бахмалда ётипти юзлаб дурдона.

7.«Меҳробдан чаён» фильми қаҳрамони. 8.Севги ва садоқат мазмунидаги ўзбек халқ достонларидан бири. 9.Таниқли ҳинд киносанъаткори, моҳир раққоса. 10.«Тошкент шеърлари» туркум асарини ёзиб қолдирган рус шоираси. 11.Ижодкор аёл. 12.Тарихчи олима, Беруний номидаги давлат мукофоти номзоди. 13.Чингиз Айтматовнинг «Момо ер» асари қаҳрамони. 14.«Она Ҳиндистон» филмида бош қаҳрамонни гавдалантирган санъаткор. 15.Она сиймосини «Сен етим эмассан» филмида ижро этган санъаткор. 16.Лев Толстой меросига мансуб машҳур роман қаҳрамони. 17.Иззат Султоннинг «Иймон» драмаси қаҳрамони. 18.Миллий ипак газлама. 19.Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» қиссаси қаҳрамони. 20.Саид Аҳмаднинг «Уфқ» асари иштирокчиси. 21.Соҳиб Жамолнинг «Гули сиёҳ» асаридаги аёл. 22.«Хамса» достонларидан биридаги вафодор маъшуқа. 23.Зеб-зийнат буюми. 24.Таниқли ўзбек шашкачи аёли.

МУАММОНОМА

Аввало қуйида таърифланиб рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очкични ҳал этинг.

1.Қадимги муаллифлар «дунёнинг етти мўъжизаси»дан бири Бобилдаги боғларнинг юзага келишига нисбат берган Оссурия маликасининг тўлиқ исми — 11, 10, 8, 17, 12, 6, 8.

2.Ўзбек халқ рақс куйи — 16, 10, 1, 10, 1.

3.Она сўзининг яна бир атамаси — 9, 10, 13, 5, 7, 6.

4.Киши ором олаётган тинч шароит, роҳат — 15, 6, 12, 10, 20, 6, 3.

5.Ёр шаънига айтиладиган лирик қўшиқ — 4, 18, 13, 19, 12.

6.Гуж бўлиб очиладиган хушбўй гул — 14, 18, 1, 2, 18, 13.

Энди жавоблар асосида шакл атрофидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ечинг. Улардан XV асрда яшаб ўтган мумтоз шоир Абдураҳмон Жомий қаламига мансуб икки мисра ҳикматни билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

Шаҳмат ҳангомалари

ТАНТИЛИК

1909 йили Петербургда халқаро турнир ўтказилади. Бу турнирда яқин орада жаҳон биринчилиги учун бўладиган матчда қатнашадиган Ласкер билан Шлехтер ҳам бор эди. Улар ўртасидаги учрашувни кўришга жуда кўп одам йиғилди. Ўйин бошланадиган вақт ҳам етиб келди, лекин Ласкердан дарак йўқ. Жаҳон чемпиони ярим соат кечикиб келди ва биринчи юришни қилди. Шу пайт судъялар-у, томошабинлар Шлехтернинг ғойиб бўлганини пайқайди. Излаб-излаб уни боғдан топишди. Шлехтер бамайлихотир сайр қилиб юрарди. Унга Ласкер турнир залида экани ва биринчи юришни қилганини айтишганда, соатига қараб қўйди-да, пинагини бузмай сайр қилишда давом этди. У ҳам роппароса 30 дақиқа ўтгандан кейингина жавоб юришини қилди.

— Бунақа илтифотларга муҳтож эмасман, — деди Шлехтер ўйин тугагач.

ТАКЛИФНИ ҚАРАНГ!

Бир куни йиртқичларни ўргатувчи киши реклама мақсадларини кўзлаб, гроссмейстерлардан Тартоковер ҳамда Лилиенталга дурустгина мукофот учун шернинг қафасида бир партия шахмат ўйнашларини таклиф қилди.

Ҳайвонлар подшоси «ҳакам»лик вазифасини ўташи керак эди. Гроссмейстерлар ақллилик қилиб бундай таклифни рад этдилар. Борди-ю, деб ўйлашди улар, шер шахмат кодексини ўзига мос равишда талқин қилиб қолса, унда нима бўлади?!

САВОЛГА ЯРАША ЖАВОБ

Мухбирлардан бири америкалик гроссмейстер Маршалдан сўради:

— Алёхиннинг Капабланкани енгганлиги ҳақида фикрингиз қалай?

Маршал ҳазил аралаш деди:

— Бундай бўлишини кутмаган эдим! Лекин ўзимнинг Капабланкага бой беришимни ўша пайтда сира-сира кўнглимга келтирмаган эдим!

НАҲОТКИ...

Австриялик гроссмейстер Карл Шлехтер XX аср бошларида жаҳон чемпионлигига асосий даъвогарлардан эди. У ниҳоятда камтар киши бўлиб, ҳеч ўртага пул қўйиб шахмат ўйнамаган. Бир куни чет эллик нотаниш бир жаноб К.Шлехтерга ҳар қайси учрашувни ўн крондан тикиб матч ўйнашни таклиф қилади. Гроссмейстер ўзини танитгач:

— Наҳотки мендан зўрроқ ўйнасангиз — дейди.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.



МАРОҚЛИ МАШҚ:
Оқлар бошлаб ғалаба қозонади.

Ним табассум

ЮРАК СИҚДИ ЎЙИН

Икки ҳаваскор шахматчи икки чаккасини икки қўли билан чангаллаганча доналарни аҳён-аҳёнда суриб ўтирибди. Уларнинг тепасида турган икки мухлис гоҳ у томон, гоҳ бу томон ўзларича ён босган бўлиб, ўргатиб қўйишади. Ўйин нақ уч соат деганда тугади. Ўтирганлар турганларни ўз ўринларига таклиф қилишди.

— Э, йўқ, — дея рад этишди улар, — бунақа юрак сиқди ўйинга сира тобимиз йўқ.

ҲИСОБ — 3:3

Кум барханларининг қуёшга тескари томонида чўпон шоҳдор қўчқор билан шахмат ўйнаётир. Ўз отарини ҳайдаб бораётган иккинчи чўпон тўхтаб сўради:

— Нима қиляпсизлар?

— Кўрмаяпсанми, шахмат ўйнаяпмиз, — деди тахтадан бошини кўтармай биринчи чўпон.

— Қўчқор қандай ўйнаётир? — қитмирлик қилиб яна сўради иккинчи чўпон.

— Ўртача. Қўй барибир қўй-да!

— Ҳисоб қандай?

— Агар шу ўйинни ютсам, учу уч бўлади.

Тошкент Технология техникуми томонидан 1975 йилда Панченко Александр номига берилган Ю-982526 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Бош муҳаррир Миргиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.
ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топширилди вақти - 21.00
Топширилди 22.20
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Буюртма Г— 2624.